

Маънавияти юксак, маърифатли отинойилар кўпаймоқда



14:55 / 15.09.2021 1743

Бугунги отинойи замон билан ҳамнафас яшаши, маърифатли, маънавияти юксак, хотин-қизларнинг муаммоларига ечим топа олиши билан алоҳида ажралиб туриши керак. Чунончи, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари ҳар бир мутасаддидан шуни талаб этмоқда.

Бугун пойтахтимиздаги Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф мажмуаси мажлислар залида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги туман ва шаҳар бош имом-хатибларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчилари ва жойларда фаолият юритаётган отинойилар учун бир кунлик ўқув-семинар ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташаббуси билан ташкил этилган тадбир, одатдагидек, Қуръони карим тиловати билан бошланди.

Дастлаб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита масъул ходими Жаҳонгир Мелиқўзиев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йили мобайнида диний-маърифий соҳада амалга оширилган ислохотлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги

Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсидан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг Сергели тумани Тарғибот гуруҳи раҳбари, психолог Муаззам Раҳматуллаева “Хотин-қизлар орасида индивидуал психологик ёрдамга муҳтож аёллар билан ишлаш йўналишлари ва усуллари” мавзусида маъруза қилди.

Ўқув-семинарда қизларни эрта турмушга бериш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, бу орада оила бошлиқлари, маҳалла фаолларининг масъулиятини ошириш каби масалалар ҳам эътибордан четда қолмади. Бу борада Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти, юридик фанлар доктори Нигора Юсупова маъруза қилди.

– Бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ хушёр ва огоҳ бўлишимиз зарур, – дейди ўзининг “Ҳизбут таҳрирнинг ижтимоий хатарлари, диндаги ботил ғоялари, Ислом уламоларининг ушбу фирқага муносабати, унинг фаолиятига қонуний баҳо бериш ва хушёрликка чақириш” мавзусидаги маърузаси билан қатнашган Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент шаҳар вакиллиги бўлим бошлиғи Саҳобиддин Сатимов. – Чунки ахборот асрида интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда эътиқод ўғрилари изғиб юрибди. Уларнинг энг хатарлиларидан бири “Ҳизбут таҳрир” оқими аъзоларидир. Ислом уламолари ҳизбийларни қаттиқ адашган фирқа деб ҳисобалб, кўплаб шаръий масалаларда дин аҳкомларига мутлақо зид фатволар беришини қаттиқ қоралайдилар. Шу боис бугун отинойилар ана шу ва бошқа адашган фирқаларнинг хавф-хатарларини, кирдикорларини яхши билиб олишлари зарур.

Ўқув-семинар сўнгида мавзулар бўйича отинойилар томонидан берилган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб қайтаришди.

Тадбир ниҳоясида хайрли дуолар қилинди.

Манба: Vakillik.uz